

# НЕЧУН ДАБДАБАГА БУНЧАЛАР

– Ҳовлини уч қисмга ажратамиз.

Дарвоза тарафга маҳалладошларингиз,  
иккинчисига синфдошу ошна-оғайнилар,

таниш-билишлар, учинчисига

узоқдан келган обрўйли меҳмонлар...

Энди, бой бова, эски жандангизни

яна бир қоқасиз-да...

ЎЧМИЗ?..



# ЖАМИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 29-30  
(999)  
2026 йил  
20 август,  
Пайшанба

## ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎЙҒОНИШИ



Дунё миқёсидаги

экологик ташаббуслар,

Орол фожиаси сабоқлари,

Тошкент ҳавоси муаммоси

ва келажак учун ечимлар



# “ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

**Бугун мустақиллик шунчаки тарихий сана эмас, балки ҳар бир ватандошимизнинг қалбида яшайдиган юксак қадрият, эркин ва фаровон ҳаётнинг асосий қафолатига айланди. Шу боис бу йилги мустақиллик байрамининг “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган эзгу ғоя остида нишонланиши чуқур рамзий маънога эга. Зеро, мазкур ғоя мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичини, халқимизнинг эзгу интилишлари ва умуммиллий мақсадларини ўзида мужассам этади.**

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Миллий давлатчилик асослари мустаҳкамланди, демократик тамойилларга таянган ҳукукий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муҳим қадамлар ташланди. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий соҳада эришилган натижалар ҳам мустақилликнинг амалий самараси сифатида эътироф этилади. Замоновий саноат корхоналари барпо этилди, транспорт ва коммуникация инфратузилмаси тубдан янгиланди, қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари изчил ривожланмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган ислохотлар аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

“Ягона Ватан” тушунчаси юртимизнинг ҳар бир қарич ери, муқаддас тупроғи, бетакрор тарихи ва бой маданий меросига ҳурматни англатади. Бу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёти, тинчлиги ва

хавфсизлиги умумий мақсадга айланганда мамлакат тараққиёти янада мустаҳкам бўлади.

“Ягона халқ” ғояси эса кўп миллатли Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг ўзаро ҳурмати, ҳамжиҳатлиги ва умумий Ватан тақдири учун масъулиятини ифода этади. Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорлик мамлакатимиз эришган энг муҳим ютуқлардан бири бўлиб, бугун ҳам Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги мураккаб геосиёсий шароитда дунё мамлакатлари турли сиёсий, иқтисодий ва ахборот хатарларига дуч келмоқда. Ана шундай вазиятда миллий бирликни сақлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур ва фидойилик руҳида тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз муқоффа салоҳиятини юксалтириш, Қуролли Кучларни замоновий талаблар асосида ривожлантириш, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ва миллий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам мустақиллигимизнинг энг ишончли қафолати ҳисобланади. Чунки тинчлик бўлган жойда тараққиёт, барқарорлик бўлган юртда эса фаровонлик қарор топади. Ана шу эзгу

мақсад йўлида миллий армиямиз ҳам мутлақо янги қиёфа касб этиб, замоновий талабларга жавоб берадиган, юқори жанговар салоҳиятга эга бўлган Қуролли Кучлар тизими шакллантирилди.

Сўнгги йилларда Президентимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан миллий армиямизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар муқоффа салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қўшинларни бошқаришнинг замоновий механизмлари жорий этилди, жанговар ва тезкор тайёргарлик тизими такомиллаштирилди, ҳарбий қисмлар энг сўнгги техника ва қурол-аслаҳалар билан босқичма-босқич жиҳозланмоқда. Бу эса ҳар қандай хавф ва таҳдидларга муносиб жавоб қайтариш имкониятини янада оширмоқда.

Эътиборлиси, ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланди ва бу йўналишда кенг қўлланма, стратегик аҳамиятга эга ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, замоновий талаблар асосида малакали профессор-ўқитувчи, тажрибали, юқори салоҳиятли ҳарбий мутахассислардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва муқоффа университети ташкил этилди. Ушбу таълим даргоҳида ўқув жараёни илғор халқаро тажрибаларга таянган ҳолда қайта шакллантирилиб, рақамли технологиялар, сунъий интеллектга асосланган таълим платформалари, виртуал тренажёрлар ҳамда замоновий баҳолаш ва мониторинг тизимлари босқичма-босқич жорий этилди.

Бундан ташқари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб хизмат ва яшаш шароитларини яратиш, уй-жой билан таъминлаш, тиббий хизмат ҳамда ижтимоий қафолатларни кенгайтириш борасида

амалга оширилаётган ишлар армиянинг маънавий-руҳий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Чунки Ватан ҳимоячисининг кучли руҳияти, юксак маънавияти ва оиласи хотиржамлиги мамлакат хавфсизлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ҳам давлат сиёсати даражасига қўтарилди. Ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва фидойилик туйғуларини шакллантириш, уларни ҳарбий касбга қизиқтириш, жисмонан бақувват ва маънан етук авлодни тарбиялашга қаратилган кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса мамлакатимиз муқоффа қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, турли ишлаб чиқариш корхоналари, замоновий таълим ва тиббиёт муассасалари, йирик инфратузилма объектлари, маҳаллалар ва қишлоқларни ободонлаштиришга қаратилган лойиҳалар юртимизда янги ҳаёт барпо этилаётганининг амалий ифодасидир.

Умуман олганда, мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги – бу ўтган йўлни сарҳисоб қилиш, эришилган ютуқларни муносиб баҳолаш ва келажак тараққиётининг янги марраларини белгилаб олиш учун муҳим тарихий палладир. “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган эзгу ғоя ҳар бир юртдошимизни бирлаштирувчи, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги умуммиллий дастурга айланиши шубҳасиз. Зеро, бирдамлик бор жойда тараққиёт, аҳиллик бор жойда барака, Ватанга муҳаббат бор жойда эса буюк келажак албатта барпо этилади.

**Мансурбек ЖАББОРОВ**



# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СИЁСАТИНИНГ ДРАЙВЕРИ

**Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви тизimini янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг мувофиқлаштирилган ҳолда юритилишини таъминлаш ҳамда Президент ваколатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2026-йил 6-августда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 7-августда Сенат томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун мамлакат давлат бошқаруви тизимидаги муҳим воқеалардан бирига айланди. Ушбу ҳужжат илгари низом ва бошқа ички тартибга солувчи ҳужжатлар даражасида тартибга солиниб келинган Администрация фаолиятини биринчи марта конституциявий қонун мақомига кўтаради, бу эса давлат бошқарувининг институционал мустаҳкамлигини сезиларли даражада оширади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси — Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги ваколатларини ташкилий, ҳуқуқий ва тахлилий жиҳатдан таъминлайдиган, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишига кўмаклашадиган марказий давлат органидир. Бундай стратегик аҳамиятга эга органнинг фаолияти узоқ вақт давомида фақат оператив ҳужжатлар — низом, фармон ва фармойишлар — асосида тартибга солиниб келган эди.

Конституциявий Қонун давлат бошқаруви тизимида Администрацияга бир неча муҳим функционал йўналишларни юклайди. Булар: Президент фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишни тахлил қилиш, ислохотларни ташкил этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишдан иборатдир.

Қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, Администрация давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ва ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашувчи орган сифатида тан олинади. Бу норма давлат бошқаруви тизимида марказлашган мувофиқлаштирувчи бўғиннинг мавжудлигини конституциявий даражада мустаҳкамлайди, натижада турли тармоқ ва соҳа идоралари ўртасидаги ишларнинг дубликацияси ва номувофиқлиги камаяди.

Қонунда Администрация, унинг Раҳбари, таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахсларининг ваколатлари батафсил санаб ўтилган. Бундай аниқлик давлат органлари ўртасида ваколатлар тўқнашуви ёки бўшлиқларининг юзага келиш хавфини камайтиради, ҳар бир

бўғиннинг ўз вазифа доираси ва жавобгарлигини аниқ билишини таъминлайди.

Қонуннинг 5, 8, 9 ва 11-моддаларида мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш ва озод этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда танлаш мезонлари белгиланган. Бундан ташқари, Администрацияга ишга қабул қилишда номзодларни мустақил танлаш имконияти назарда тутилган, бу эса малакали кадрларни жалб қилиш жараёнининг профессионал асосда ташкил этилишига хизмат қилади.

Қонуннинг 3-боби (22–26-моддалар) Администрация ходимларининг моддий рағбатлантирилиши, ижтимоий таъминоти, ҳуқуқий ҳимояси, дахлсизлиги ҳамда ишга жойлаштириш кафолатларини кенг қамровда тартибга солади. Хусусан, ходимларнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнида қабул қилган қарорлари учун асоссиз жавобгарликка тортилмаслиги кафолати мансабдор шахсларнинг мустақил ва самарали ишлаши учун муҳим шарт-шароит яратади.

Қонун Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг ташкилий асосларини, унинг таркиби ва ваколатларини белгилайди. Бу эса мудофаа, хавфсизлик ва ташқи сиёсат соҳаларида идоралараро мувофиқлаштиришнинг юқори даражада ташкил этилишини таъминлайди.

Қонуннинг 15 ва 18-моддаларида устувор ва стратегик лойиҳаларнинг, шунингдек ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мониторинг қилиниши белгиланган. Бу норма марказлашган мониторинг тизими орқали мамлакат миқёсидаги йирик лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилиш имконини беради.

Қонуннинг 16-моддаси Администрациянинг Олий Мажлис палаталари билан ҳамкорлигини,

жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг амалга оширилишини тартибга солади. Бу норма ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги конституциявий мувозанатни институционал жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шунингдек, 19-моддада суд ҳокимияти ва судьялар ҳамжамияти органлари билан ҳамкорлик асослари белгиланиб, бу орқали ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мулоқот каналлари янада тизимлаштирилади.

Бундан ташқари, қонуннинг 6-моддасида фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, умуммиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Администрациянинг асосий вазифалари қаторига киритилган. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий шериклик механизмларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўплаб давлатларда президент ёки бош вазир администрацияси (котибияти, канцлерияси) фаолияти алоҳида қонун ёки конституциявий норма билан тартибга солинади, чунки бундай орган давлат бошқарувининг “нерв маркази” вазифасини бажаради. Администрация фаолиятини юқори юридик кучга эга ҳужжат билан мустаҳкамлаш — давлат бошқаруви институтларини замонавийлаштириш йўналишидаги умумжаҳон тенденцияларга мос келадиган қадам сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ёндашув давлат бошқаруви марказининг институционал мустақиллиги, профессионал кадрлар салоҳияти ва ҳуқуқий кафолатларни ошириш орқали бошқарув самарадорлигини яхшилашга хизмат қилади.

Қонунда қўлланилган атамалар тизими — «мансабдор шахслар», «бошқарув ва хизматчи ходимлар», «таркибий бўлинмалар» каби тушунчалар — аниқ ва бир хилда талқин этилиши мумкин бўлган тарзда таърифланган. Бу эса амалиётда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий низоларнинг олдини олади ҳамда қонун нормаларини қўллашда ягона ёндашувни таъминлайди.

Қонуннинг 17 ва 18-моддалари Администрациянинг Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан алоқаларини батафсил тартибга солади. Бу нормалар давлат бошқарувининг вертикал ва горизонтал даражалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада тизимли асосга қўяди.

Хусусан, миллий ривожланиш стратегиялари, давлат дастурла-

ри ва миллий лойиҳаларнинг ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилиши устидан марказлашган мониторингнинг йўлга қўйилиши давлат сиёсатининг барча босқичларда бир хил талқин этилиши ва изчил амалга оширилишини кафолатлайди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини тизимли тахлил қилиш, ҳудудлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва бу борада асосланган таклифлар киритиш механизми эса ҳудудий сиёсатни илмий-тахлилий асосда юритиш имконини беради.

Қонуннинг 21-моддасида давлат органлари ва ташкилотларининг комплаенс ҳамда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини Администрациянинг Комплаенс хизмати орқали мувофиқлаштириш назарда тутилган. Республика даражасидаги давлат органлари раҳбарларининг комплаенс бўйича ўринбосарларини Администрация Раҳбари томонидан тайинланиши ва улар Администрациянинг вакили мақомига эга бўлиши — бу соҳадаги марказлашган назоратни кучайтирувчи муҳим янгиликдир.

Давлат бошқарувининг марказий бўғини бўлган Администрация фаолиятининг очиқ ва тушунарли ҳуқуқий асосга эга бўлиши жамиятнинг давлат институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим омилдир. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари Администрациянинг вазифалари, ваколатлари ва фаолият тартиби ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, бу борадаги ноаниқликларнинг барта-раф этилиши давлат-жамият муносабатларининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Қонунда назарда тутилган ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари, дахлсизлик тизими ва моддий рағбатлантириш механизмлари малакали мутахассисларни давлат хизматига жалб этиш ва уларни узоқ муддат сақлаб қолишга хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу Конституциявий Қонун давлат бошқаруви сиёсатининг институционал асосларини мустаҳкамлаш, ижро интизомини ошириш ва жамият билан давлат ўртасидаги самарали мулоқотни таъминлаш борасида муҳим қадам бўлиб, мамлакат давлат бошқаруви тизimini замонавийлаштириш йўлидаги изчил ислохотлар кетма-кетлигининг табиий давоми сифатида баҳоланиши мумкин.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**  
**“ТИҚХММИ”**  
миллий тадқиқот  
университети профессори



# ИНСОН МАНФААТИ – ОЛИЙ МЕЗОН

## Халққа хизмат қилиш тизимига ўтишнинг 10 йиллик манзараси

**Инсон ва давлат... Илгари бу икки тушунча ўртасида кўринмас, аммо баланд ва мустаҳкам “деворлар” бор эди. Олис ва яқин ўтмишимизни бир эсланг, ўз юртинг ичида бир вилоятдан иккинчисига ўтиш учун блокпостларда соатлаб навбатда туриш, пойтахтда яшаб, ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган машъум “прописка” тушови, оддийгина бир маълумотнома олиш учун ҳафталаб навбат кутиб идоралар ўртасида сарсон бўлиш. Буларнинг бари фуқаронинг давлатга бўлган ишончини сусайтирган, Конституцияда мустаҳкамланган эркин ҳаракатланиш ва ривожланиш ҳуқуқини чеклаган тўсиқлар эди.**

Шукурки, охириги 8–10 йилда мамлакатимизда кечаётган маъмурий ислохотлар ана шу музларни эритиб юборди. Янги Ўзбекистоннинг бош ғояси – “Инсон қадрлари учун” деган тамойил шунчаки чиройли шиор сифатида қолиб кетмади. У давлат аппаратынинг мазмунини, мансабдорнинг фикрлаш тарзини ва жамиятдаги муҳитни тубдан ўзгартирган кучли ислохотга айланди. Бугун ортга қараб, шу йиллар ичида ижро ҳокимияти, давлат хизматларини кўрсатиш ва бюрократияга қарши курашда эришилган натижаларни бир нафасда кўздан кечириш, истиқболдаги вазифалар ҳақида мушоҳада юритиш мумкин.

Янги давр маъмурий ислохотларининг энг катта тарихий ва ижтимоий ғалабаларидан бири – бу инсоннинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқининг қайтариб берилиши бўлди. Бугун ўша кунларни жилмайиш билан эсга оламиз, у пайтларда Тошкентнинг ўзига хос, ёзилмаган “қоидалари” амал қиларди. Пойтахтда тирикчилик қилиш, каттароқ мақсадлар сари интилиш имкониятлари кенгрок, электр таъминоти барқарор, ҳатто бензин нархи ҳам вилоятлардагидан анча арзон эди. Шу сабабли кўпчиликнинг нигоҳи Тошкентга қадалганди. Табиийки, шаҳарнинг ўз талаблари бор эди, остонадан ҳатлаб ўтишингиз билан ёнингизда доим шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шартлигини ҳис қилардингиз, водийлик юртдошларимиз эса паспортсиз До-

вондан ошишни ҳаёлига ҳам келтира олмасди.

Юртимиз бўйлаб вилоятлар ва шаҳарлар чегарасида жойлашган ўнлаб ички блокпостлар ва пост-патруль масканларининг олиб ташланиши мамлакат ичида транспорт ва одамлар ҳаракатланишини мутлақо эркинлаштирди. Бу нафақат фуқароларнинг вақтини ва асабини тежади, балки ички туризм, логистика ва савдо-сотиқ ривожига ҳам туртки берди. Ўнлаб йиллар давомида миллионлаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз учун тўсиқ бўлиб келган ва инсон ҳуқуқларини чеклаган эски прописка тизими тамомил бекор қилинди. Унинг ўрнига соддалаштирилган ва замонавий хабардор қилиш ва рўйхатга қўйиш тизими жорий этилди. Натижада ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз юртининг хоҳлаган гўшасида эркин яшаш, уй-жой сотиб олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, маъмурий ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири – бу фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда адолат мувозанатини таъминлашдир. Бу борада 2017 йилда фаолияти йўлга қўйилган Маъмурий судлар жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар билан юзага келган муносабатлари ва низоларини адолатли ҳал этишда бекиёс аҳамият касб этмоқда. Илгари мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарори ёки хатти-ҳаракати устидан шикоят қилиш “шамол билан курашиш”дек туюлган бўлса, бугун маъмурий судлар фуқаронинг

давлат идораси олдидаги ҳақиқий ҳимоячисига айланди. “Давлат органи ўз қарорининг қонунийлигини судда ўзи исботлаб бериши шарт” деган қонуннинг жорий этилиши инсон ва тадбиркор манфаатларини устувор ўринга олиб чиқди.

Қолаверса, илгари бирор-бир ҳужжат олиш учун идорама-идора юриб, ҳафталаб вақт йўқотилган бўлса, бугун манзара мутлақо бошқача. Ягона интерактив давлат хизматлари портали [my.gov.uz](http://my.gov.uz) ва Давлат хизматлари марказлари туфайли давлат хизматлари кўрсатиш тизими фуқаронинг хонадонига, қўл телефонида кўчди. Бугун юртдошларимиз уйдан чиқмай туриб, бир неча дақиқалар ичида фарзандини боғчага ёки мактабга навбатга қўйиши, кадастр, солиқ ва коммунал маълумотномаларни олиши, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиши ва банк ҳисобварағи очиши ҳамда паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришга ариза бериши мумкин.

Энг муҳими, компьютер ва электрон тизим таниш-билиш танламайди, пора сўрамайди, аризани “эртага кел” деб ортга сурмайди. Инсон омилининг камайитирилиши тизимдаги коррупцияга ва ортиқча бюрократияга берилган қақшатқич зарба бўлди. Устига-устак, илгари одамларнинг тинчасини қуритадиган “маълумотномабозлик”га барҳам берилди. Қисқа қилиб айтганда, давлат органида бор маълумотни фуқародан қайта сўраш тақиқланади.

Барчага маълум, давлат аппаратынинг шишиб кетиши – иқтисодиёт учун ҳам, жамият учун ҳам оғир юк. Кейинги йилларда амалга оширилган маъмурий ислохотларнинг яна бир муҳим қадами вазирлик ва идоралар тизимини мақбуллаштириш бўлди. Бир-бирини такрорловчи, ортиқча ваколатга эга ва фақат қоғозбозлик билан шуғулланувчи тузилмаларга барҳам берилди. Вазирликлар сони қисқартирилди, ижрочи ходимлар штати ўртача 25–30 фоизга оптималлаштирилди. Шу билан бирга, давлат хизматчи-

ларининг ишини енгиллаштириш, ортиқча вазифаларни қисқартириш ҳамда бошқарувни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида соҳага сунъий интеллект имкониятлари ҳам фаол жорий этилмоқда.

Энг муҳими, қарор қабул қилиш марказлашувидан воз кечилди. 100 дан ортиқ ваколат ва функциялар бевосита ҳудудларга, маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилди. “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими қарорлар қабул қилишни энг қулай бўлишга – тўғридан-тўғри одамларнинг ёнига олиб тушди. Шунингдек, сўнгги йилларда аҳоли ва тадбиркорлардан 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди, яна шунча лицензия рақамлаштирилиб уларни бериш муддати деярли икки баробарга қисқартирилди.

Давлат аппаратыни юргазувчи куч – бу кадрлардир. Узоқ йиллар давомида давлат хизматига ишга киришдаги ёпиқ эшиклар, таниш-билишчилик ва энг ачинарлиси, отаси ёки яқин қариндоши судлангани сабабли иқтидорли ёшларнинг ишга ва ўқишга қабул қилинмай, йиллаб сарсон юришига сабаб бўлган адолатсиз тизимга тўлиқ чек қўйилди. 2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун ҳамда шаффоф очик танловлар тизими бу борада бутунлай янги даврни бошлаб берди.

Эндиликда минглаб билимли ёшлар ягона электрон портал орқали очик танловларда қатнашиб, ўз билими ва салоҳияти эвазига давлат хизматига кирмоқда. Кадрларни танлашда меритократия – яъни билим, малака ва иш натижаси (KPI) асосий мезонга айланди. Айниқса, давлат хизматига қабул қилишда ёшларга кўрсатилаётган эътибор алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан, 2026 йил 1 июлдан ёшларни давлат хизматига қабул қилиш жараёнларида суҳбат босқичида бериладиган саволлар давлат органининг расмий веб-сайтида камида 1 ой олдин эълон қилиниши шартлиги, 1 ой олдин эълон қилинмаган саволларни номзодларга бериш



тақиқланиши фикримиз тасдиғидир.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ўзбекистон ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида ижобий ислохотлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, ана шу шиддатли ўзгаришларнинг марказида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи тургани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, мамлакатда гендер тенгликка эришиш, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим ютуқлар қўлга киритилгани юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, мамлакатда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилгани сабабли “Cotton Campaign” халқаро ташкилоти томонидан ўзбек пахтачига нисбатан бойкотнинг бекор қилингани, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларнинг самараси ўлароқ юртимизга Европа Иттифоқи томонидан “GSP+” бенефициари мақоми тақдим этилгани фикримиз далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, охириги ўн йилликда Ўзбекистон маъмурий бошқарув ва давлатчилик соҳасида ўнлаб йилларга тенг мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Давлат аппарати ўзининг “маъмурий буйруқбоз” қиёфасини ўзгартириб, фуқарога қўмакчи ва хизматкор бўлиш сари юз бурди. “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деган конституциявий тамойил бугун том маънода ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Бюрократик говларнинг парчаланishi шунчаки кулайлик эмас, бу — мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, инвестициялар оқими ва энг муҳими, одамларнинг эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи демакдир.

“Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир”, деган нақл бор доно халқимизда. Бугун биз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллик тўйи яқинлашаётган тарихий кунларда олис ва яқин тарихимизга бир оз назар ташлаб ўтган йилларимизни сарҳисоб қилиш баробарида уч-тўртта соҳадаги ислохотларимизнигина тилга олдик, холос. Аслида, гапирсак, ёзсак арзийдиган ютуқларимиз жуда бисёр. Зеро, халққа хизмат қилишни олий бурч деб билган, шаффоф, ихчам ва адолатли давлат бошқарувини барпо этиш йўлидаги бундай собитқаддам одимлар Янги Ўзбекистоннинг буюк келажаги, юртдошларимиз фаровонлиги ҳамда истиқлолимизнинг абадийлигини таъминловчи мустаҳкам кафолатдир.

**Ғуломжон ҲАКИМОВ,**  
юридик фанлар номзоди,  
доцент

## БҮЮК МЕРОС ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарори билан Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги 2025 йилда мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан улуг бобомиз хотирасини эъзозлаш, унинг жўшқин ҳаёти ва муҳим бадий ва публицистик асарларини нашр қилиш ва кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилди.**

Халқимизнинг буюк сиймолари ҳаёти ва фаолиятини ўз тарихий асарларида ёритишга алоҳида аҳамият бериб келаётган таниқли адиб ва шоир Исмат Кўчиев ҳам мамлакатимиз раҳбарининг мазкур муҳим қарорини самарали амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшди. У буюк жадид бобомиз ҳаёти ва ижодиға бағишланган “Маҳмудхўжа Бехбудий: буюк мерос ва янги Ўзбекистон” асарини яратди.

Асар буюк сиймо хизматларини жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиши билан эътиборга молик ҳисобланади. Бунинг натижасида жаҳон афкор оммасининг

муайян қисми атоқли шахс М.Бехбудий ҳаёти билан яқиндан танишади, шунинг баробарида уларнинг тарихий сиймоларимиз, муҳими Ўзбекистон тўғрисидаги фикрлари яна ҳам кенгайди.

Уч бобдан иборат мазкур салмоқли ва теран асарда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашини ривожлантиришдаги роли имкони борица тўла очиб берилган. Муаллиф асарнинг дастлабки бобида Ўзбекистонда XX аср бошларида ҳукм сурган вазиятга алоҳида эътибор қаратган. Айти пайтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда жадидлар ҳаракатига юксак баҳо бергани асарда алоҳида таъкидланган.

Исма Кўчиевнинг “Маҳмудхўжа Бехбудий: буюк мерос ва янги Ўзбекистон” асарида буюк жадид бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошилгани ҳолда атрофлича ёритилган. Мазкур китоб Маҳмудхўжа Бехбудийга бағишладиган навбатдаги яна ҳам салмоқли асарлар учун замин бўлиши шубҳасиз.

**Абдуҳамид ПАРДАЕВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## ДАСТУРХОНИМИЗ ХАВФСИЗМИ?

**Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда «энди ҳайвонларга ҳам паспорт берилар экан», деган мазмундаги эътирозлар тез-тез учрайпти. Таниқли фаоллар ҳам масаланинг туб моҳиятини англамасдан “Муаммоларимиз камми, бундан муҳимроқ масалаларни ўйлашимиз керак!” мазмунида постлар қолдиришган.**

Кимдир буни ортиқча қоғозбозлик деса, яна кимдир давлатнинг кераксиз ташаббуси сифатида баҳоламоқда. Аслида эса масаланинг моҳияти мутлақо бошқа.

Бу масалага ҳис-туйғу, ҳиссиёт билан эмас, мантиқ ва илмий ёндашув билан қараш керак. Гап ҳайвонни «хужжатли қилиш» ҳақида эмас. Гап инсон саломатлигини, озиқ-овқат хавфсизлигини ва эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳақида кетмоқда.

Ҳар бир қорамол, қўй, эчки ёки бошқа хонаки ҳайвон ҳисобга олинса, унинг қаерда экани, қандай эмлангани, қандай касалликларга қарши профилактика қилингани аниқ бўлади. Бу эса хавфли юкумли касалликларнинг тарқалишининг олдини олади, сифатсиз гўшт ёки сут маҳсулотларининг бозорга чиқиб кетмаслигини таъминлайди.

Буни оддий бир мисол билан тушуниш мумкин: дастурхонимизга келаётган гўшт, сут ёки сут маҳсулотларининг хавфсиз эканига ким кафолат беради? Ана шу кафолатнинг муҳим бўғини — ветеринария

назорати ва ҳайвонларни идентификация (рўйхатга олиш) қилиш тизимидир. Бежизга: «Медицина инсонни даволайди, ветеринария эса инсониятни», дейилмаган. Чунки инсонга хавф туғдирадиган кўплаб юкумли касалликлар аввал ҳайвонлар орасида пайдо бўлади. Уларнинг олдини ўз вақтида олиш эса минглаб инсонларнинг саломатлигини сақлаб қолиши мумкин.

Шунинг учун бу жараёни ортиқча қоғозбозлик ёки ҳайвонга «паспорт бериш» сифатида эмас, балки ҳар бир оиланинг дастурхони хавфсизлиги, жамоат саломатлиги ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий тизим сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Бугун Ўзбекистонда чорвачилик стратегик тармоқлардан бири ҳисобланади. 2025 йил якунига кўра мамлакатда 14,6 миллион бош қорамол, 25,3 миллион бош қўй ва эчки ҳамда 116 миллиондан ортиқ парранда парвариш қилинмоқда. Бу рақамлар ҳар бир ҳайвоннинг соғлиғи, ҳаракати ва ветеринария

назоратини рақамли тарзда кузатиш нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатади. Шу боис ҳайвонларни идентификация қилиш тизими бутун озиқ-овқат занжирининг ишончли ишлашига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «ҳайвон паспорти» ҳақидаги тор тушунча масаланинг ҳақиқий мазмунини акс эттирмайди. Бу — рақамлаштирилган ветеринария назорати, маҳсулотнинг келиб чиқишини аниқлаш, юкумли касалликларнинг олдини олиш ва истеъмолчини ҳимоя қилишга қаратилган замонавий тизимдир.

Энг муҳими, бу жараён ҳайвон учун эмас, инсон учун хизмат қилади. Чунки соғлом ҳайвон — хавфсиз озиқ-овқат, хавфсиз озиқ-овқат эса соғлом миллат демакдир.

Демак, ветеринария соҳасига сарфланган ҳар бир маблағ, жорий этилган ҳар бир рақамли тизим ва ҳисобга олинган ҳар бир ҳайвон — бу аввало инсон саломатлиги, келажак авлод ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига қаратилган сармоядир.





# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ТАБИАТ ДАХЛСИЗЛИГИ

## жавобгарлик кимнинг зиммасида?

Бугунги кунда экологик инкирозлар оstonасида турган жамият учун фақатгина дарахт экиш ёки чиқиндиларни тозалаш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш етарли эмас. Экологик хавфсизликни таъминлашнинг энг олий ва самарали воситаси – бу давлат томонидан белгиланган қонунлар ижросининг қатъий таъминланишидир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шунчаки ихтиёрий ҳаракат ёки хайрия эмас, балки қонуний мажбуриятдир.

Афсуски, кўп ҳолларда экологик ҳуқуқбузарликлар жазосиз қолаётгани ёки берилаётган жарималар етказилган зарар олдида арзимас суммани ташкил этаётгани сабабли, табиатга бўлган тажовуз тўхтамапти. Шу боис, экологик қонунлар нимани талаб қилиши, жавобгарлик масалалари ва бу жараёнда фуқаролик позициясининг ўрни нечоғлик муҳимлигини теран англаш давр талабига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва соҳавий қонунчилик (масалан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар) ҳар бир фуқаро ва тадбиркорлик субъекти олдига аниқ ва қатъий талабларни қўяди. Ушбу қонунларнинг бош мақсади – инсонлар учун қулай атроф-муҳитни сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдир.

Қонунчиликнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- **Экологик нормативларга**

**риоя қилиш:** Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси ҳавога чиқараётган заҳарли газлар ва оқава сувлар миқдори белгиланган давлат стандартларидан (рухсат этилган энг юқори концентрациядан) ошиб кетмаслиги шарт.

• **Табиий ресурсларни меъёрлаш:** Ер, сув ва ер ости бойликларида фойдаланиш фақат махсус лицензиялар ва лимитлар асосида амалга оширилиши лозим. Назоратсиз қудуқлар қазилган ёки дарё ўзлавлари ўзбошимчалик билан ўзгартириш қонунан тақиқланади.

• **Мажбурий экологик экспертиза:** Ҳар қандай янги саноат лойиҳаси ёки бино қурилиши бошланишидан аввал унинг табиатга таъсири ўрганилиб, давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулоасаси олинishi шарт.

Табиатга зарар етказганлик учун жавобгарлик муқаррар бўлиши қонунчиликнинг асосий тамойилидир. Ўзбекистон қонунчилигида экологик ҳуқуқбузарликлар учун уч турдаги жавобгарлик назарда тутилган:

**1. Маъмурий жавобгарлик:** Дарахтларни ноқонуний кесиш, сувни исроф қилиш, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш ёки атмосферани меъёрдан ортқ бўлган ҳолатлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан йирик миқдорда жарималар қўлланилади.

**2. Фуқаролик-ҳуқуқий (моддий) жавобгарлик:** Айбдор шахс ёки корхона фақат жарима тўлаш билан қутилиб қолмайди. У табиатга етказилган реал моддий зарарни

(масалан, кесилган қимматбаҳо дарахтнинг қийматини ёки заҳарланган тупроқни қайта тиклаш харажатларини) тўлиқ қоплаб беришга мажбур.

**3. Жиноий жавобгарлик:** Агар етказилган зарар оғир оқибатларга олиб келса (масалан, сув ҳавзасининг заҳарланиши натижасида оммавий касалликлар келиб чиқса ёки ноёб ҳайвонот дунёси қириб юборилса), Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан озошликдан маҳрум қилишга бўлган жазо чоралари қўлланилади.

Бирок, бугунги кун таҳлили шуни кўрсатадики, жавобгарлик чораларини янада кучайтириш, аynикса, йирик саноат корхоналари учун жарималар миқдорини уларнинг кўрадиган фойдасидан бир неча баробар юқори қилиб белгилаш лозим. Шундагина тадбиркор қонунни бузишдан кўра, тозалаш филтрини ўрнатиш арзонроқ эканлигини тушуниб етади.

Ҳеч бир давлат органи ёки экологик инспекция ҳар бир дарахт ёки ҳар бир чиқинди қутиси тепасига биттадан назоратчи қўя олмайди. Бу ерда энг асосий куч – жамиятнинг фуқаролик позицияси ҳисобланади. Экологик маданият ва фуқаролик фаоллиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кунда соғлом фуқаролик позицияси қуйидагиларда намоён бўлиши керак:

• **Бефарқ бўлмаслик (Эко-вандализмга қарши кураш):** Кўчада дарахт кесилаётганини, ариққа қимёвий моддалар оқизилаётганини ёки қурилиш чиқиндилари йўл чети-

га тўкилаётганини кўрган фуқаро шунчаки сурагга олиб ўтиб кетмаслиги, балки тегишли органларга (Экология вазирлигининг ишонч телефонларига, махсус ботларга) зудлик билан хабар бериши лозим.

• **Жамоатчилик назоратини ўрнатиш:** Маҳалла ва туман даражасида аҳоли ўз ҳудудидаги яшил майдонларни сақлаб қолиш учун бирлашиши, ноқонуний қурилишларни тўхтатиш бўйича қонуний талабларни ўртага ташлаши зарур.

• **Шахсий намуна кўрсатиш:** Фуқаролик позицияси нафақат бошқаларни танқид қилиш, балки ўз томорқасини кўкаламзорлаштириш, сувни тежаш, полиэтилен пакетлардан имкон қадар воз кечиш каби кичик, аммо тизимли одатлардан бошланади.

Айтиш мумкинки, экологик қонунларнинг ишлаши ва табиат муҳофазаси фақат вазирлик ёки инспекциянинг иши эмас. Бу – умуммиллий масъулиятдир. Қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни бажариш ва юксак фуқаролик позициясини намоён этиш орқали биз нафақат бугунги ҳаётимизни, балки келажак авлоднинг яшаш муҳитини асраб қоламиз.

Атроф-муҳитга бўлган муносабат жамиятнинг маданий ва маънавий даражасини кўрсатувчи бош мезондир. Табиат қонунларига итоат қилмаган жамият келажакда ўз соғлиғи ва борлиғи билан тоvon тўлашга маҳкумдир. Зеро, табиат қонуни бузилса, уни ҳеч бир суд ёки адвокат ҳимоя қила олмайди, жазони эса табиатнинг ўзи беради.



## “Сув каби бўл, дўстим!”

Инсон иродасининг чексизлигини исботлаган, ҳар бир ҳаракати билан дунёни ҳайратга солган афсонавий шахс – Брюс Ли шунчаки жангчи эмас, балки ўз интизому ва руҳияти билан тақдирдан устун келган буюк мутафаккир эди. Унинг ҳаёти ва эришган муваффақиятлари бугунги ёшлар учун ҳақиқий жасорат ва сабоқ мактабидир.

Брюс Ли ҳар куни ўз имкониятлари чегарасини бузиб ўтишга интиларди. У жанг санъатида мумтоз қолиплар билан чекланиб қолмай, ўз йўналиши ва фалсафасини яратди. Унинг машҳур “Сув каби бўл, дўстим” деган ибораси шунчаки жисмоний мослашувчанлик эмас, балки чуқур ҳаётий донолик эди: сув идишга солинса идиш шаклини олади, тўсиқларга дуч келса уларни айланиб ўтади ва охири-оқибат энг қаттиқ тошни ҳам емиради. Ёшликдаги ғайратни айнан мана шундай мослашувчан ва йўлидан қайтмас мақсадларга йўналтириш лозим.

Унинг йўли ҳеч қачон текис бўлмаган. Катта сахналарга чиқишда ирқий камситишлар, жиддий жароҳатлар ва атрофидагиларнинг шубҳа-гумонларига дуч келди. Шифокорлар бел умуртқасининг оғир жароҳатидан сўнг у

бошқа ҳеч қачон спорт билан шуғуллана олмаслигини айтишганида, Брюс таслим бўлмади. У тўшакда ётган ҳолда китоблар ёзди, руҳиятини жиловлади ва барчанинг таҳминларини чиппакка чиқариб, яна ҳам кучлироқ бўлди. Чунки у биларди: энг буюк ғалаба – бу ўз кўрқувларингиз ва ожизлигингиз устидан қозонилган ғалабадир.

У ёшларга доимо такрорларди: “Мен 10 000 та ҳар хил зарбани бир марта синаб кўрган одамдан кўркмайман, лекин бир зарбани 10 000 марта машқ қилган одамдан кўрқаман.” Бу сўзлар ҳар қандай соҳада муваффақият қалити – бу интизом, узлуксиз меҳнат ва сабр-тоқат эканлигини англатади. Орзулар шунчаки истак билан эмас, ҳар кунги кичик, аммо қатъиятли қадамлар эвазига ҳақиқатга айланади.

Бугун ўз олдингизга қандай мақсад қўйманг, Брюс Лидан илҳом олинг. Ўзингизга бўлган ишонч ва ички алафни сўндирманг. Сизнинг имкониятларингиз чегарасини фақат ўзингиз белгилайсиз. Ҳар бир қийинчиликни ўсиш имконияти деб билинг, меҳнатдан қочманг ва ўз ҳаётингизнинг ҳақиқий қахрамонига айланинг.

Мақсуд ХОН



## МИКРОКРЕДИТБАНК:

# БАРҚАРОРЛИК, ИЗЧИЛЛИК ВА НАТИЖА

**Пойтахтимиздаги миллий матбуот марказида “Микрокредитбанк” томонидан “Банк тизими ислохотларини жадаллаштириш ҳамда хизматлар бозори ҳажмини ошириш” мавзусида навбатдаги анжуман ўтказилди.**



Унда банк бошқаруви раиси ўринбосари Икром Жуманиязов, тегишли департамент директорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналист ҳамда блогерлар иштирок этди.

Таъкидландики, 2025-йил якунларига кўра, банк активлари 30,6 фоизга ўсиб 30,7 трлн сўмни, кредит портфели 16,7 фоизга кўпайиб 20,3 трлн сўмни, капитал 60,6 фоизга ошиб 5,7 трлн сўмни, депозитлар 24,4 фоизга кўпайиб 9,7 трлн сўмни ташкил этди. Шунингдек, 263 млн АҚШ доллари хорижий кредит линиялари жалб қилинди.

**2026-йилнинг 1-ярим йилигида жами 6,8 трлн. сўм банк кредитлари ажратилди. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 5,3 трлн. сўм, шундан:**

- кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш доирасида 303 млрд. сўм;
- оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 1,1 трлн. сўм;
- “бизнесга биринчи қадам” доирасида 321,1 млрд. сўм;
- “менинг маҳаллам” дастури доирасида 902,6 млрд. сўм;
- инвестиция дастури доирасида 2,8 трлн. сўм;
- йирик лойиҳаларга (обороти 100 млрд. сўмдан юқори) 338,7 млрд. сўм ажратилди.

Натижада банк кредитлари ҳисобига ярим йилликда 51 дан ортиқ лойиҳа ишга туширилиб, 100 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Шундан, 14 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди ва 86 минг нафарга яқини тадбиркорликка жалб қилинди.

Микрокредитбанкка бириктирилган маҳаллаларда маҳалла банкири ва ёрдамчи агентлари томонидан январ-июн ойида 6,8 мингта пластик карта очиб берилди, 333 нафар аҳолидан 37,2 млрд. сўм омонат жалб этилди, 7 133 нафар аҳолига 335,4 млрд. сўм кредитлар ажратилишига кўмаклашилди.

Тадбир давомида банк трансформация жараёнлари туфайли дунёнинг йирик ва нуфузли банклари, жумладан, АҚШнинг BNY Mellon, Туркиянинг Aktif Bank, Германиянинг ODDO BHF, Хитойнинг



Xinjiang ва Bank of China банкларидан вакиллик ҳисобрақамлари очилгани ҳам таъкидланди.

Бундан ташқари халқаро агентликлар банк барқарорлигини юқори баҳолашда давом этмоқда. Хусусан, Fitch Ratings агентлиги банк рейтингини муваффақиятли ББ - “Ижобий” даражасидан ББ “Ижобий” даражасига кўтарди. Шу билан бирга, банк Moody’s агентлигининг Va3 “Ижобий” рейтинг кўрсаткичини ҳам барқарор сақлаб келмоқда.

Шунингдек, банк дастурчилари томонидан тайёр бизнес-режа яратадиган сунъий интеллект платформаси ишлаб чиқилди. Мазкур платформанинг асосий мақсади, туман ва маҳаллалар кесимида иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш, устувор бизнес йўналишларни аниқлаш ҳамда фойдаланувчиларга сунъий интеллект ёрдамида амалий тавсиялар беришдан иборат.

### CRM тизими ва кредит конвеерини жорий этиш

Жисмоний шахслар учун тезкор хизмат кўрсатиш учун CRM тизими янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 2025-йилда 60 098 нафар мижозга тўлиқ автоматлаштирилган тизим орқали 2 137 млрд. сўм микдоридаги кредит маблағлари ажратилди.

### Аҳолига чакана хизматлар кўрсатиш бўйича

Бугун банк томонидан иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун 21,55 фоиздан бошлаб ипотека кредитлари ажратилиши йўлга қўйилди. Бу эса тижорат банклари томонидан иккиламчи бозор учун тақдим этилаётган энг паст фоиз

жихатдан ўта барқарор экотизимга айланишдир. Шу мақсадда, стратегия доирасида жами 38 та йирик трансформацион лойиҳани амалга ошириши бошланди.

#### Жумладан:

Биринчиси бугун бозорда жуда катта талаб мавжуд бўлган Исломий молиялаштириш хизматларини жорий этиш лойиҳасидир. Лойиҳа 2027-йил якунига қадар босқичма-босқич тўлиқ амалга оширилади.

Иккинчи стратегик лойиҳа — бу келажак авлод учун мўлжалланган “Junior Banking”, яъни болалар ва



ўсмирлар учун рақамли банк тизимидир. Бу лойиҳа банкнинг келажакдаги мижозлар базасини яратиш механизми.

### Кредитлашда “AI Scoring” амалиётини қўллаш


Банк Стратегиясида кредитлаш жараёнларига сунъий интеллектга асосланган скоринг тизимини жорий этишни режалаштирган. Мазкур ечим мижозларнинг кредитга лаёқатини янада аниқ баҳолаш, қарор қабул қилиш тезлигини ошириш, инсон омили билан боғлиқ хатоларни камайтириш ҳамда кредит рискларини самарали бошқариш имконини беради.

### Face ID технологиясини интеграция қилиш бўйича

Face ID тизими лойиҳаси банкка ташриф буюрувчи мижозларни тезкор идентификация қилиш, улар тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда банк операцияларини амалга оширишда юқори даражадаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Матбуот анжумани давомида банк мутасаддилари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Банк Ахборот хизмати**



# ЗАҲАРЛАНАЁТГАН ТОМОРҚАЛАР



**Бир пайтлар олманинг ҳиди унинг ўзидан олдин келарди. Ҳовлига кирсангиз, дарахтда пишиб турган олманинг ҳиди сезилар, узумнинг ҳиди димоғга урилиб, янги узилган помидорнинг ўзига ҳос ҳиди иштахани очарди. Мева ҳар доим ҳам катта эмасди, ҳар доим ҳам бир хил шаклда бўлмасди, айримларида қурт ҳам бўларди. Аммо уларда ҳид бор эди, таъм бор эди, мавсумнинг ўзига ҳослиги бор эди.**

Бугун эса манзара анча ўзгарди. Замонавий қишлоқ ҳўжалиги юкори ҳосилдорлик, маҳсулотнинг ташқи кўриниши, сақланиш муддати ва бозор талабларига мослашиш йўлидан бормоқда. Зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши кимёвий воситалардан фойдаланиш ҳам кенгайди.

Аслида кимёвий ҳимоя воситаларининг ўзи мутлақо «ёмон» эмас. Улар ҳосилни сақлаш ва катта иқтисодий йўқотишларнинг олдини олишда муҳим восита бўлиши мумкин. Муаммо воситанинг мавжудлигида эмас – муаммо уни қандай ишлатишимизда: қачон, қанча, қайси препарат, қайси зараркундаларга қарши, қайси экинда, қандай меъёрда – ва энг муҳими, нима эвазига?

Чунки табиатда битта зараркундалани йўқ қилиш билан жараён тугамайди. Баъзан биз зараркундалани ўлдирамиз, аммо унинг табиий душманларига ҳам зарар етказамиз. Баъзан эса зараркундаланинг ўзини эмас, унинг кимёвий воситаларга мослашиш жараёнини кучайтириб қўямиз. Натижада бугунги муаммони ҳал қилишга уриниш эртанги муаммони янада оғирлаштириши мумкин.

Энг жиддий муаммолардан бири – пестицидларга чидамлилигининг шаклланиши. «Қурт заҳарни кўриб мутацияга учради» деган содда тушунтириш илмий жиҳатдан тўлиқ эмас.

Ҳар қандай зараркундалар попу-

ляциясида генетик хилма-хиллик мавжуд. Айрим индивидлар муайян препаратга бошқаларига нисбатан табиий равишда чидамлироқ бўлади. Препарат қўлланганда сезгирлари нобуд бўлади, чидамлилари эса тирик қолиб кўпаяди. Худди шу таъсир механизмига эга препарат яна-яна қўлланса, авлоддан авлодга чидамли индивидларнинг улуши ортиб боради. Бу – табиий танла-нишнинг амалдаги кўринишларидан бири.

Шунинг учун «дори таъсир қилмаяпти – янада кучлисини сеп!» деган ёндашув ҳар доим ҳам ечим эмас. Аксинча, препаратни нотўғри меъёрда, кераксиз пайтда ёки бир хил таъсир механизми асосида қайта-қайта қўллаш чидамлилиқ муаммосини кучайтиради.

Демак, тўғри савол «қайси заҳар кучлироқ?» эмас – «қайси усул узок муддатда самарали ва барқарор?» бўлиши керак.

Табиатда ҳеч бир организм ёлғиз яшамайди. Зараркундалар бор жойда уни овлайдиган, паразитлик қиладиган ёки унинг сонини табиий равишда чеклайдиган организмлар ҳам бўлади – хонқизилар, олтинкўзлар, паразит арилар, кушлар, тупроқдаги турли микроорганизмлар. Буларни шартли равишда табиатнинг «биологик полицияси» деб аташ мумкин: улар инсон ара-лашувисиз ҳам зараркундалар сонини маълум даражада назорат қилиб туради.

Аммо кенг таъсир доирасига эга айрим пестицидлар зараркундалар билан бирга фойдали организмларга ҳам зарар етказди. Табиий мувозанат бузилади: зараркундалар тез тикланади, табиий кушандалари эса секинроқ тикланади. Инсон яна дори сепди – фойдали организмлар яна камаяди, зараркундалар яна кўпаяди.

Шундай қилиб хавфли «ёмон доира» пайдо бўлади: қурт → дори → фойдали организмлар камайиши → қуртнинг қайта кўпайиши → яна дори.

Шунинг учун замонавий деҳқончиликнинг вазифаси фақат зараркундалани йўқ қилиш эмас – унинг табиий назорат механизмларини ҳам сақлаб қолишдир.

Аҳоли орасида агрокимё сотувчилари ўз товарини кўпроқ сотиш учун зараркундаларни атайлаб тарқатади, деган гумонлар учрайди. Бундай оммавий фитна ҳақида ишончли далил бўлмаса, уни ҳақиқат сифатида тарқатиш тўғри эмас.

Аммо бу гумонларнинг пайдо бўлиши жамиятда маълум саволлар борлигини кўрсатади: агрокимё бозорида назорат етарлими? Препарат сифатлими, унинг таркиби ёрликда кўрсатилганидекми, қайси зараркундалар ва экинга, қайси миқдорда, қанча кутиш муддати билан қўлланади – сотувчи харидорга бунини тушунтирдими?

Мана шу саволлар жиддий. Чунки сифатсиз, қалбаки ёки нотўғри қўлланган препарат нафақат самарасиз бўлади, балки зараркундаларнинг чидамлилиги шаклланишига ҳам шароит яратади. Шунинг учун масалани фитнадан кўра назорат, билим, шаффофлик ва масъулият нуқтаи назаридан муҳокама қилиш тўғрироқ.

Биз учун илиқ қиш – қулайлик. Айрим зараркундалар учун эса – имконият. Совуқ ҳарорат кўплаб ҳашаротларнинг қишлоқчи босқичларига таъсир қилади. Қиш юмшоқ келганда айрим турлар кўпроқ тирик қолиши, баҳорда эртароқ фаоллашиши ва қулай шароитда кўпроқ авлод қолдириши мумкин.

Шунинг учун бугунги зараркундалар муаммосини фақат «деҳқон кўп дори сепмаяпти» деб тушунтириш етарли эмас. Муаммонинг ортида иқлим, тупроқ ҳолати, экин структураси, агротехника, зараркундалар тури, табиий кушандалар, ўсимлик навлари, суғориш-озиклантириш ва пестицидларга чидамлилиқ каби бир-бирига боғлиқ кўплаб омиллар бор. Демак, зараркундалар муаммоси – битта сабабга боғлиқ бўлмаган мураккаб экотизим муаммосидир.

Глобал савдо бизга янги навлар, технологиялар ва маҳсулотлар олиб келади. Аммо баъзан зараркундалар ҳам кўчатлар, уруғлар, мева-сабзавот ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари билан бирга «йўл ҳақи тўламай» янги ҳудудларга кириб келади.

Помидор куяси – *Tuta absoluta* – шундай зараркундалардан бири бўлиб, помидор барги, пояси ва меvasига жиддий зарар етказди. Янги зараркундалар маҳаллий шароитга мослашиб олса, унга қарши кураш янада мураккаблашади. Шунинг учун ўсимлик карантини – оддий бюрократик жараён эмас, балки мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг муҳим қисми.

Болалик хотирасида саримсоқнинг ўткир ҳиди ва қалампирнинг аччиқлиги ҳашаротларга қарши табиий қалқондек тасаввур қилинади. Ҳақиқатда бу ўсимликларда ҳашаротлар учун ноқулай бўлган турли табиий кимёвий бирикмалар мавжуд, аммо табиатда мутлақ ҳимоя деярли йўқ. Инсон учун аччиқ бўлган модда бир зараркундаларга тўсиқ бўлса, бошқаси айнан шу ўсимликка ихтисослашган бўлиши мумкин.

Шунинг учун «саримсоққа қурт тушибди – демак, у заҳарланган» деган хулосага шошилиш тўғри эмас. Аввало зараркундалар қайси тур эканини аниқлаш керак – ҳар бир «қурт» бир хил зараркундалар эмас. Унинг ҳаёт цикли, озиқланиши, ўсимликка зарар етказиш усули ва унга қарши кураш чораси ҳам турлича бўлиши мумкин.

Юкори ҳосил – деҳқоннинг



орзуси. Аммо ҳосилдорликни ошириш билан ўсимликнинг табиий барқарорлиги ўртасида мувозанат бўлиши керак. Айниқса азотли ўғитларни меъёрдан ортиқ қўллаш серсув, юмшоқ тўқималар шаклланишига олиб келади – бундай шароит эса айрим зараркунандалар учун қулай бўлади.

Демак, «кўпроқ селитра = ҳар доим кўпроқ ҳосил» эмас. Соғлом тупроқ, мувозанатли озикланиш, тўғри суғориш, сифатли уруғ, мос нав, севооборот ва ўсимликларнинг тўғри жойлашуви – буларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ. Ҳосилдорлик фақат кўпроқ ўғит бериш билан эмас, тўғри агротехника билан таъминланади.

Биз ерга кўпинча «бугун эктим – эртага ҳосил оламан» деган нуктаи назардан қараймиз. Аслида тупроқ – тирик тизим: унда бактериялар, замбуруғлар, микроорганизмлар, чувалчанглар ва бошқа кўплаб организмлар яшайди. Тупроқ унумдорлиги фақат ундаги кимёвий элементлар миқдори билан эмас – унинг структураси, органик моддаси, намлиги ва биологик фаоллиги билан ҳам белгиланади.

Шунинг учун севооборот, органик моддалар, компост, мулчалаш, сидератлар ва тупроқни муҳофаза қилувчи агротехник усуллар қишлоқ хўжалигининг келажагида янада муҳим ўрин эгаллаши керак. Ерга фақат ҳосил олинадиган майдон эмас, қайта тикланиши керак бўлган тирик тизим сифатида қараш вақти келди.

«Нега бунча дори сепдинг?» деб сўраш осон. Аммо «сенга қайси препаратни, нима учун ва қандай меъёрга ишлатиш кераклигини ким тушунтирди?» деган савол муҳимроқ.

Дехқонга зараркунанда туриши ва уни қандай аниқлашни, қайси препарат ёки усул мос эканини, меъёрини, ишлов бериш ва кутиш муддатини, хавфсизлик чораларини ҳамда биологик-агротехник муқобилларни тушунириш – давлат, агрономлар, олимлар ва соҳа мутахассисларининг умумий вазифаси. Чунки нотўғри қарорнинг зарари охир-оқибат фақат дехқоннинг ўзига эмас, бутун жамиятга таъсир қилади.

Биз зараркунандалар билан курашишимиз керак. Аммо табиатнинг ўзи билан урушмаслигимиз керак. Бизга кўпроқ заҳар эмас – кўпроқ билим, аниқ ҳисоб, илмий ёндашув, сифатли агрономик маслаҳат, биологик ҳимоя ва тизимли назорат керак.

Шунинг учун бугундан бошлаш керак: аввало кузатиш, кейин аниқлаш, сўнг чора кўриш. Ва энг муҳими – ерни заҳар билан эмас, илм билан асрайлик. Чунки ер бизга мерос эмас, у келажак авлоддан олинган омонат.

**Комил Мажид ТУРОН**



# БОЛАНИ САРСОН ҚИЛМАНГ

**Бола оиланинг олам-олам қувончи, бахти, бахтиёрлиги, “кўрки-камоли, тинч-тотувлиги, орзу-ўйлари, эзгу ниятларининг қаноти...” “Болалик уй бозор – боласиз уй мазор” деганларича бор. Бола бор уйда кимларнидир иғво қилишга, кимларгадир ҳасад қилишга, йўқ жойдан жанжал чиқаришга вақт ҳам, имкон ҳам бўлмайди. Боласиз уй эса зимистонга ўхшайди. Эр хотинидан, хотини эридан иллат излайди.**

Бу ўртадаги меҳр-оқибатнинг емрилишига, ишончнинг йўқолишига, оиланинг муқаддаслигига путур етишига сабаб бўлиши мумкин. Афсуски, буни на фақат ёш оилалар, ҳатто икки-уч ўғил-қизи борлар ҳам ғурурлари йўл қўймайми, ҳиссиётга берилибми ёки сен кимсан-у, мен кимманга борибми, тушунишни хохламайдилар. Бахт-бир-бирларини тушунишда эканлигини унутиб қўядилар. Айнан ана шундай зиддиятларни дастурхон қилиб, судга келадилар. Баҳслар, тортишувлар авжига чиқиб, эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам мақсади ажралиш бўлади. Фврсанд тақдирини ўйлашмайди.

Суд учун боланинг доимий яшаш жойини ва у билан отасининг кўришиш тартибини белгилаш қарорнинг энг масъулиятли, энг нозик жиҳатларидан бири ҳисобланади. Кўпинча шундай ҳолларга дуч келамизки, суд қарорини олган ота-оналар уч-тўрт ой ичида бу масалага қайтиб, уни ўзгартириш ҳаракатига тушиб қоладилар. Суд эса қонунга таяниб иш кўради. Бундай пайтда эр-хотин ҳуқуқий саводхонликдан йироқ эканлиги яққол кўришиб қолади. Шу боис улар “илтимос, ёрдам беринг” дан нари ўтмайдилар. Ҳатто, йиғи-сиғи ҳам қилиб оладилар. Бу эса боланинг руҳиятига таъсир этмай қолмайди.

Яқинда кўрилган ана шундай ишлардан бирини фикримизнинг далили сифатида келтиришимиз мумкин. Суд отанинг даъво аризасини кўриб чиқиб, боланинг яшаш жойини белгиланган. Шу билан бирга отага бола билан кўришиш тартибини ҳам тайинлаган. Ота ҳар ойнинг 1-ва 3-шанба ҳамда якшанба кунлари соат 10.00 дан 15.00 га қадар (вазият ўзгаргунча) бола билан кўришиш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ, орадан олти ой ўтиб, ота “вазият ўзгарди” деган ваз билан яна судга мурожаат қилган. Яъни болани уйига олиб кетиб, ётиб қолиш шарт билан кўришиш тартибини белгиланиши сўраган. Суд бу даъвони рад этган ва ва-

зият ўзгармаганини маълум қилган. Даъвонинг рад этилиши замирида бир неча муҳим ҳуқуқий ва психологик сабаб бор.

Биринчидан, “вазиятнинг ўзгариши” га асос бўладиган жиддий далиллар йўқлиги. Қонун бўйича кўришиш тартибини ўзгартириш учун боланинг ёши улғайгани, унинг соғлиги, кун тартиби ёки ота-онанинг шароитида чиндан ҳам кескин ва туб ўзгаришлар юз берган бўлиши керак. Бу ерда эса олти ой мобайнида бирон бир ўзгариш бўлганлиги исботланмаган.

Иккинчидан, боланинг манфаатлари ва психологик ҳолати ҳақида. Болани олиб кетиб, тунда ётиб қолиши учун у янги муҳитга ва отаси билан узоқ вақт бирга бўлишга ўрганиши керак. Қисқа муддат ичида (шартли равишда 6 ойда бор-йўғи 12 марта 5 соатлик учрашув давомида) бола янги шароитга тўлиқ мослашиб улгурмайди. Кутилмаганда болани тунда олиб қолиш унинг руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, суд қарорлари шунчаки ота-онанинг хоҳишига қараб, тез-тез ўзгартириладиган ҳужжат эмас. Агар вазиятнинг ўзгаргани асосли бўлмаса, аввалги қарор ўз кучида қолади. Демак, бола билан боғлиқ суд қарорларини ўзгартиришни талаб қилишдан олдин етарлича вақт ўтиши ва энг муҳими-боланинг манфаатларига хизмат қилувчи эътирозга ўрин қолдирмайдиган асослар юзага келиши шарт. Шунингдек, ота дастлаб белгиланган қисқа муддатли учрашувларда бола билан мустақам самимий муносабат ўрната олганини ва бола у билан тунда қолишга тайёрлигини амалда (Масалан, психолог хулосаси орқали) исботлаши лозим. Суд учун энг олий меъзон – бу катталарнинг манфаати эмас, балки боланинг тинчлиги ва соғлигидир. Шу боис болани асранг, уни ҳеч қачон сарсон қилманг!

**Шахноза СУВАНОВА,**  
Фуқаролик ишлари бўйича  
Янгийўл туманлараро суди судьяси



# ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ УЙҒОНИШИ

**Дунё миқёсидаги экологик ташаббуслар, Орол фожиаси сабоқлари, Тошкент ҳавоси муаммоси ва келажак учун ечимлар**

Бугунги кунда Ер сайёраси мисли кўрилмаган экологик муаммолар гирдобидида қолмоқда. Иқлим ўзгариши, глобал иссиқлик, биологик хилма-хилликнинг камайиши ва атроф-муҳитнинг сунъий чиқиндилар билан заҳарланиши эндиликда шунчаки илмий прогнозлар эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётига дахлдор кундалик ҳақиқатга айланди. Бундай таҳдидли шароитда давлатлараро расмий келишувлар ва ҳукуматлар даражасидаги қарорлар етарли самара бермаётгани яққол кўриниб қолди.

Натижада, дунё миқёсида кенг жамоатчилик, экологик фаоллар, мустақил ташкилотлар ва оддий фуқаролар томонидан муаммоларни ҳал этишга қаратилган мутлақо янги тўлқин – халқаро экологик ташаббуслар тўлқини шаклланимоқда. Жамоатчилик эндиликда воқеаларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки экологик кун тартибини белгиловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда.

Биз экологик инқирозлар ва инсон аралашувининг оқибатлари ҳақида гапирганда, узок мисолларга боришимиз шарт эмас. Бир авлод кўз ўнгида қуриб битган **Орол денгизи** – глобал ҳамжамият ва инсоният учун табиатга нисбатан қилинган энг шафқатсиз ва кечириб бўлмас муносабатнинг ёрқин тимсолидир.

Ўтган асрнинг ўрталарида экин майдонларини асосиз кенгайтириш, сув ресурсларидан режасиз ва исрофкорона фойдаланиш дунёдаги энг гўзал ва йирик қўллардан бирини тузли саҳрога айлантирди. Бугунги кунда Орол тубидан кўтарилаётган миллионлаб тонна заҳарли туз ва чанг нафақат Марказий Осиё, балки Гренландия музликларига етиб бораётгани фанда исботланган.

Бугун глобал экологик ҳамжамият Орол фожиасини ўрганиб, халқаро миқёсда «Сув ресурсларидан масъулиятли фойдаланиш» кодексини яратиш ташаббуси билан чиқмоқда. Фаоллар трансчегаравий дарёлардан сиёсий қурол сифатида фойдаланишни тўхтатиш, минтақадаги барча давлатлар сувни тежайдиган рақамли технологияларга (томчилатиб суғориш) зудлик билан ўтиши шартлигини талаб қил-

моқдалар. Орол фожиаси – табиат қонунларини менсимаслик инсониятни ҳалокатга етаклаши ҳақида бутун дунёга берилган энг оғир сабоқдир.

Экологик муаммолар энди фақат чўлларда эмас, балки биз яшаётган йирик шаҳарлар марказига ҳам кўчди. Охирги йилларда Тошкент шаҳрида ҳаво сифатининг кескин ёмонлашиши, ҳавонинг майда РМ2.5 зарралари билан ифлосланиши бўйича пойтахтимизнинг жаҳон рейтингларида юқори ўринларга чиқиб қолиши жамоатчилик ўртасида жуда катта резонанс ва ҳавотир уйғотди.

Жамоатчилик ва мустақил экологлар ушбу муаммонинг туб сабабларини очик таҳлил қилиб, қуйдаги омишларни кўрсатмоқда:

► **Бетартиб қурилишлар ва «яшил қалқон»нинг йўқ қилиниши:** Шаҳар ичидаги яшил майдонлар, дарахтзорларнинг қурилишлар сабабли кесилиши ёки камайиши сабабли пойтахт ўзининг табиий шамоллаш ва ҳавони тозалаш тизimini йўқотди.

► **Автотранспортлар оқими ва сифатсиз ёқилғи:** Йўллардаги тирбандликлар ва сифатсиз ёқилғидан фойдаланиш атмосферага тонналаб заҳарли газлар чиқишига сабаб бўлмоқда.

► **Саноат корхоналари ва кўмирдан фойдаланиш:** Иссиқлик марказлари ва корхоналарда ҳавони тозаловчи замонавий филтрларнинг ўрнатилмаганлиги ёки эскирганлиги вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Ушбу вазиятда ижтимоий тармоқлар ва жамоатчилик фаоллари ҳукуматни уйғотиш, экологик назоратни кучайтириш ва ҳаво сифа-

ти мониторингини шаффоф қилиш талаби билан фаол кураш олиб бормоқдалар.

Дунё ҳамжамияти бундай локал муаммолардан хулоса чиқарган ҳолда, глобал миқёсда ҳаёт тарзини ўзгартиришни таклиф қилмоқда.

► **«Ноль чиқинди» (Zero Waste) ҳаракати:** Жамоатчилик фаоллари бир марталик пластик идишлар, пакетлар ва полиэтилен маҳсулотларидан бутунлай воз кечишни, уларнинг ўрнига биологик парчаланадиган хомашёларни жорий этишни талаб қилмоқда. Чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш ҳар бир хонадоннинг мажбурий маданиятига айланиши керак.

► **«Яшил макон» ва Шаҳар ўрмонлари:** Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ҳам айнан глобал жамоатчиликнинг шаҳарларни эко-урбанизация қилиш таклифларига мос келади. Шаҳарлар ичида бетон бинолар эмас, балки сунъий микро-ўрмонлар ва вертикал боғлар кўпайиши шарт.

Инсоният Орол фожиасидан ва шаҳарлардаги ҳаво инқирозларидан тўғри хулоса чиқармаса, экологик коллапс қайта такрорланаверади. Жамоатчилик ва етакчи олимлартомонидан экологик хатоларни такрорламасликнинг энг муҳим 5 та олтин қондаси таклиф этилмоқда:

1. **«Аввал экологик экспертиза, кейин қурилиш» тамойили:** Ҳар қандай йирик завод, фабрика ёки турар жой мажмуаси қурилишидан олдин унинг атроф-муҳитга, ер ости сувларига ва ҳавога таъсири жамоатчилик вакиллари иштирокида мустақил текширилиши шарт. Экологик руҳсатсиз битта ҳам ғишт қўйилмаслиги керак.

2. **Қатъий экологик қонунчилик ва «Экоцид» жазоси:** Табиатга қасддан зарар етказганлик, дарахтларни ноқонуний кесганлик ва ҳавони заҳарлаганлик учун жариималар миқдори кескин оширилиши, ҳатто жиноий жавобгарлик («Экоцид» жинояти) жорий этилиши лозим. Корхоналар табиатни булғаш санкциясидан қўрқиши шарт.

3. **Сув ва ресурслар ҳисобини рақамлаштириш:** Қишлоқ хўжалигида эски усулдаги суғоришдан воз кечиш, ҳар бир томчи сувни назорат қилувчи ақлли тизимларни мажбурий қилиш. Сув исрофини жиноий даражадаги хато деб баҳолаш вақти келди.

4. **Яшил транспорт ва мукобил энергия трансформацияси:** Шаҳарларда жамоат транспортни экологик тоза (электробуслар, метролар) шаклга ўтказиш, шахсий автомобиллар ўрнига велосипед ва пиёда юриш инфратузилмасини яратиш. Саноатни босқичма-босқич қуёш ва шамол энергиясига ўтказиш.

5. **Экологик таълим ва онгни ўзгартириш:** Боғча ва мактаб ёшидан болаларга табиатга тирик жон деб қараш фалсафасини сингдириш. Экологик маданият диплом ёки лавозим даражаси эмас, балки инсонийлик белгиси бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Орол фожиаси ҳам, Тошкентдаги ҳаво муаммоси ҳам табиат билан ҳисоблашмаслик жазосидир. Дунё жамоатчилигининг ўртага ташлаётган ташаббуслари бир ҳақиқатни англатади: Ер сайёраси бизга аждодлардан қолган мерос эмас, балки келажак авлоддан олган қарзимиздир.

Сайёрамаизни сақлаб қолиш глобал ҳаракатларни талаб қилса-да, у оддий ишлардан – ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизда сувни тежайшимиз, чиқиндиларни саралашимиз ва битта кўчат экиб, уни парвариш қилишимиздан бошланади. Зеро, табиатни асраш – ўзлигимизни ва эртанги кунимизни асраш демакдир.

Дилбар МАҲМУДОВА,  
«Жамият»



**МУАССИСЛАР:**

Экология ва иқлим  
ўзгариши миллий  
қўмитаси

Ўзбекистон  
«Маҳалла» хайрия  
жамоат фонди

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси

# ЭНДИ ФАРЗАНДИМИЗГА ТАНБЕҲ ҲАМ БЕРОЛМАЙМИЗМИ?

**Сирдарёда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа бўлди. 10 яшар бола калтаклагани учун ўз онасини 3 кунга қаматиб юборди.**

**Суд ҳужжатларига кўра, 10 ёшли бола мактаб тўғарагига бормай, кўчада ўйнаб юрган. Онаси ғазабланиб, қўлидаги кийим илгичи билан унинг боши ва танасига урган. Бола керакли жойга мурожаат қилган. Натижада аёл 3 суткага маъмурий қамоқ жазосига тортилди.**

Бир қарашда бу оддий оилавий жанжалдек туюлади. Ота ишдан қайтгач, воқеадан хабар топади, судда турмуш ўртоғига нисбатан даъвоси йўқлигини айтади. Бу воқеалар жамоатчиликни иккига бўлиб юборди. Хорижнинг антика, шу билан бирга Оила институтининг парчаланишига олиб келган мазкур тажрибаси бизга шунча тезкорлик билан етиб келдими? Ҳиссиётга берилмасдан мулоҳаза қилиб кўрайлик... Бу ҳаракатлар Қашқадарёда шафқатсиз ота ўз қиз фарзандига тезак едиргани фонида содир бўлди – болалар ўз яқинлари, ота-оналари томонидан тазйиқ ва зўравонликка учраса, Ишонч телефонида қўнғироқ қилиб, хабар бериши ҳақида ахборот тарқатилди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, албатта, тараққиёт белгиси. Ҳеч бир бола калтакланиши, ҳақоратланиши ёки шафқатсиз муносабат қурбони бўлиши мумкин эмас. Аммо бошқа бир ҳақиқат ҳам бор. Тарбия – фақат меҳрдан иборат бўлмайди. У талаб, интизом, чеклов ва масъулиятни ҳам ўз ичига олади. Ота-она фарзандининг хатосига муносабат билдира олиши керак! Бунга маънан ҳуқуқи бор.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тез-тез бир ҳолатга гувоҳ бўляпмиз. Катталарга бақираётган болалар, ўқитувчини масҳара қилаётган ўқувчилар, ота-онасининг гапини писанд қилмайдиган ўсмирлар, жамоат жойида одоб чегарасини унутаётган ёшлар... Бу манзараларнинг барчасини «замон ўзгарди» деган битта жумла билан изоҳлаб бўлмайди?

Албатта, жисмоний жазони тарбия усули сифатида тарғиб қилиш хато. Бунини илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар икки боладан бири ҳаёти давомида қандайдир жисмоний ёки руҳий жазога дуч келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, мунтазам

жисмоний жазо болада кўрқув, ишончсизлик, тажовузкорлик ва руҳий муаммолар хавфини оширади. Шунинг учун кўплаб давлатлар болаларга нисбатан зўравонликка қарши қонунларни қучайтирган. Бугун дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакати (Швецияда 1979 йилда бу қонун дунёда биринчи бўлиб қабул қилинган. Сўнг Финляндия, Германия, Франция) болаларга нисбатан жисмоний жазони тўлиқ тақиқлаган. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам тазйиқ ва зўравонликка қарши қонунлар қучайтирилди – ҳимоя ордерлари сони ошиб бормоқда, болалар ҳуқуқлари бўйича қонунчилик такомиллаштирилди.

Лекин бошқа бир ҳақиқат ҳам бор: тарбиясиз эркинлик ҳам хавфли. Чекловни билмаган, масъулият ҳиссини олмаган бола эртага жамият қоидаларини ҳам тан олмаслиги мумкин. Демак, баҳс «уриш мумкинми?» деган саволда эмас.

Болани ҳимоя қилиш билан ота-онанинг тарбия бериш ҳуқуқи ўртасидаги мувозанатни қандай сақлаймиз? Жисмоний жазо тақиқланди. Болани қандай тарбиялаш керак? Дунё тажрибасига назар ташласак, болани урмасликнинг ўзи етарли эмас. Уни эшитиш, тушунтириш, чегара қўйиш ва масъулият ҳиссини шакллантириш ҳам бирдек муҳим. Афсуски, кўпчилик айнан шу нуқтани унутиб борапти. Бугун бизда бошқа хавфли манзара ҳам кузатиляпти. Айрим ота-оналар фарзандига каттиқроқ гапиришдан ҳам қўрқади. “Болам хафа бўлиб қолмасин”, “психологияси бузилмасин”, “Жонига қасд қилмасин”, деган хавотир баъзан тарбиянинг ўрнини бефарқлик билан алмаштирмоқда. Натижа эса, хавотирли. Мактабда ўқитувчига кўполлик қилаётган ўқувчи, ота-онасининг гапини менсимайдиган ўсмир, жамоат жойида одоб чегарасини билмайдиган ёшлар... Ижтимоий тармоқ тўла, бу каби контентларга. Бу ҳолат-

лар бир кунда пайдо бўлгани йўқ. Улар йиллар давомида эътиборсиз қолган тарбия маҳсули.

Бола ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши шарт. Бу – муҳокама қилинмайдиган ҳақиқат. Аммо ота-онанинг фарзандини тарбия қилиш ҳуқуқи ва масъулияти ҳам қадрсизланмаслиги керак. Агар бу иккиси ўртасидаги мувозанат йўқолса, ютқазадиган томон битта бўлади – биз ва келажак авлод. Фарзандни тарбиялаш ҳуқуқи ота-онадан аста-секин тортиб олинаётган бўлса, эртанги авлод учун масъул ким бўлади – оилами ёки давлат? Ота-оналар ҳам икки ўт орасида қолди. Каттиқроқ гапирса – руҳий босим, жазоласа зўравонлик, қўл кўтарса жиноят, жим турса – тарбиясизлик, деб ҳисобланади. Хўш... У ҳолда тарбияни ким беради? Телефонми ёки кўча?

Сирдарёдаги воқеа тезда унутилди, эртага омманинг диққати навбатдаги шов-шувли воқеага қаратилади. Уч суткалик қамоқ ҳам тугайди. Аммо, жамият олдида энди қатор саволлар қолаверади.. Тарбия билан зўравонлик ўртасидаги меъёрни қандай аниқлаймиз? Ота-онанинг ҳуқуқи қаерда тугайди-ю, давлатнинг аралашуви қаерда бошланади? Энг муҳими...Биз қандай жамият қуряпмиз?

Абдулла Авлоний бир аср аввал: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот...» деган эди. Орадан юз йил ўтди. Технология ўзгарди. Дунё ўзгарди. Болаларнинг ўйинлари ҳам, қизиқишлари ҳам ўзгарди. Бугун унинг қўлида телефон бор. Олдида чексиз интернет. Ортида эса миллионлаб таъсир манбалари. ТикТок унга ҳар куни юзлаб «қаҳрамон» кўрсатади. YouTube минглаб «устоз» таклиф қилади. Кўча эса ўз қоидаларини ўргатади. Шундай пайтда ота-она тарбиядан бир қадам чекина, унинг ўрнини бошқалар эгаллайди. Қонун болани ҳимоя қилиши мумкин. Мактаб унга билим беради. Психолог руҳий кўмак. Аммо кечаси фарзандининг иситмаси чиққанда унинг ёнида судья, прокурор, психолог эмас...Она ўтиради.

Сирдарёдаги воқеага демак, вақт баҳо беради. Лекин у туфайли туғилган саволлар эртага ҳам долзарб бўлиб қолаверади...

**Гулчехра БЕРДИЁРОВА**

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати – Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси

**Тахрир хайъати:**

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Қамолитдин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Отабек ҲУСАНОВ

**Бош муҳаррир**

**Мақсуд**

**ЖОНИХОНОВ**

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-810  
Адади: 3018

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

# НЕЧУН ДАБДАБАГА БУНЧАЛАР ЎЧМИЗ?..

## УНУТИЛГАН ОДАТ

Халкимизнинг асрлар оша яшаб келаётган анъаналаридан бири албатта тўй маросимларидир. Тўйлар асосан иккита: суннат тўйлари ва никоҳ тўйларидан иборат эди. Ўзига тўқ, давлатманд одамлар суннат тўйларини бир-мунча дабдабали ўтказишган ва бу ҳозиргидек дастурхондаги ноз-неъматлару, санъаткорларнинг беўхшов қилиқлари билан эмас, тўйларда бўладиган кураш ва кўпқари каби мусобақаларининг довуғи билан баҳоланган. Бундай тўйлар кўпинча қиш ойларида кечқурун бошланиб, узоқдан келган меҳмонлар кўни-кўшнларнинг уйларига яъни кўниқхоналарга жойлаштирилган ва уларга тўй эгаси томонида гўшт, гуруч, сабзи, ёғ ва бошқа маҳсулотлар берилган, холос. Бу эса тўй бераётган хонадонга тежамкорлик ва енгиллик берган.

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Исрофгарчилик, дабдабозлик мусобақасида улар ҳатто шаҳарликларни ортда қолдирмоқда...

## “МАҚТОВ”

Қишлоғимиз кексалари ҳали хануз тўй-маракаларда, гурунларда Ўтаган бой ҳақидаги бир воқеани айтиб юришади.

Сурув-сурув кўйлари, подалари, от ва туялари бўлган бойнинг бир кам дунё деганларидек учта хотини бўлса ҳам меросхўри – яъни ўғил фарзанди йўқ экан. Ниҳоят бойнинг учинчи хотини Заврахол бойбича айна кўкламда бойга ўғил туғиб берибди. Хушxabардан боши осмонга етган Ўтаган бой эл-улусни ўтовига чорлаб, дебди:

– Ўғлим Худойбердининг чилласи чиққач, қангиллатиб тўй бераман, тўйки одамлар бунақасини ҳали тушида ҳам кўришмаган.

Дарҳақиқат бой сўзида туриб айтилган кунни тўйни бошлабди. Ўнлаб қорамоллар суйилиб, қозон-қозон таомлар тайёрланиб, нақ уч кун дабдабали тўй бўлиб, кураш ва кўпқари ҳам берилибди.

Ниҳоят тўртинчи кун бой хизматкорларига дебди:

– Тўёнага тушган уч юз кўй-эчкиларни узоқ-яқиндан келган меҳмонларга тарқатинг, мен уларнинг тўйим ҳақидаги гап-сўзларини Бўри-жардаги кўприк тагида ётиб олайин-да, эшитиб, бир маза қилайин...

Бой эски чопонини кийиб кўприк тагига кирибди. Кўп ўтмай бирин-кетин тўйдан одамлар гурунлашиб қайта бошлашибди.

– Тўйдан семизгина кўй олган одамлардан бири дебди:

– Яқин эллик йилда бундай довуғли тўй бу ўрада бўлганини саксон еттига кирган Юнус мерган ҳам эслолмади, тўймисан-тўй бўлди-да ўзиям...

Кўприк тагида гап пойлаб ётган Ўтаган бой мақтовни эшитиб бир қоп семиргандай бўлибди-ю, бироқ...

Тўйдан чекига эчки тушганлардан бири хамроҳига қараб:

– Эй, кўйинг, ўша мақтанчоқ бойингизни, майлига эчки бергани ёмон эмас-ку, лекин уни боғлашга бир кўлочгина арқонга қолганда хасислик қилди-да – деб қолибди.

Бу сўзни эшитган Ўтаган бой эса афсус ва надомат билан пешонасига муштлабди:

“Тўйдирганнинг қорнига” деб бекорга айтишмас экан, афсус...

## БОЙ ЎҒИЛНИНГ “ТЎЁНА”СИ

Бегимкул бобо неварасининг тўй кунини белгилаб олгач, шаҳардаги ўғли Ўктамга сим қокди.

Ўғли отасининг хабарини эшитгач, деди:

– Яхши бўпти, лекин сизларни биламан, тўйни ими-жимиди ўтказмоқчисиз, бунисида ундай қилмайсиз, аввало тўйни тўйхонада эмас, уйда қиласиз, бошловчи ва ашулачиларнинг зўрини ўзим олиб бораман, анови “маҳаллий”ларни чақириб юрманг, ахир кимсан Бегимкул фермер деган номингиз бор, хўпми?!

Кечқурун Бегимкул бобо оила аъзолари билан маслахатлашаётганда кенжа ўғли Фозил деди:

– Ота, акамни биламан, қишлоққа келиб мақтанишни яхши кўради, босар-тусарини билмай сарф-харажатни кўпайтириб юборади. Менинг ўйланиш тўйимда ҳам шундай қилувди. Тўйдан ҳафта ҳам ўтмай қарзларни қайтариш учун мардикор бозорига чиққанимни кўрган жўраларим устимдан роса қулишганди, бу гал ҳам шундай қилмоқчи чоғи...

– Энди болам, “Чекига тушган чеграймас” деган гап бор. Акангнинг феълини яхши биламан, тоға тарафига тотган – гурри. Нимаям қилардик, чидаймиз-да болам!..

Тўйга икки кун қолганда шаҳардан Ўктам-бой келиб, отаси ва укасига салом-аликдан сўнг дабдурустан деди:

– Йўл-йўлакай Ғузордан тандир, Чиялдан яхни, Умакайдан жузчиларни чақирдим, эртага етиб келишади.

– Ҳовлини уч қисмга ажратамиз. Дарвоза тарафга маҳалладошларингиз, иккинчисига синфдошу ошна-оғайнилар, таниш-билишлар,

учинчисига узоқдан келган обрўйли меҳмонлар... Энди, бой бова, эски жандангизни яна бир қоқасиз-да...

Ниҳоят, дабдабали тўй ҳам ўтди. Дошқозонлар тунқарилди. Бегимкул бобо ва ўғиллари эрталаб чой устида ҳисоб-китоб қилишди.

– Мана Фозилбой оғайни тўйни ҳам ўтказиб, енгиллашиб олдингиз, бўйнингиздаги қарзга эса тўёна ҳам етмади. Нақ беш минг кўки бўйнингизда... Гарчи ака-ука бўлсак ҳам “Бор товоғим, кел товоғим” деган гап бор, кейин... янгангнинг феълини биласан...

– Менку майли ака, лекин отамнинг кўзини операция қилдириш керак эди-да...

– Эй, бунча содда бўлмасанг, бобой ҳали доёв, тўрт-беш ойга чидайди...

Яхшиямки, Бегимкул бобонинг қулоғи озгина оғиррок, ака-укаларнинг гапини унчалик англамади, фақатгина бош қимирлатириб кўярди, холос...

Орадан уч кун ўтиб, Фозил яна қарзни қайтариш учун ишлагани хорижга жўнаб кетди.

## АЛҚИССА...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўзининг ўқимишли ҳикоя ва қиссалари, романлари билан аллақачон халкимиз қалбидан чуқур жой олган адиблардан эди. Шу ўринда куюнчак адибимизнинг ўтган асрнинг 70-90 йилларида зангори экран орқали ҳар ҳафтада эфирга узатилган “Баҳс” муаллифлик кўрсатуви ҳақида қисқача фикр юритсак.

Атоқли адибнинг ҳар бир кўрсатуви теле-томошабинларни экран олдида михлаб қўярди, десак муболаға деб ўйламанг.

Чунки адибнинг одоб-ахлоқ, маънавият ва қадриятларимиз ҳақидаги сўзлари ҳар қандай одамни ўйга толдирад, мушоҳада юритишга ундарди...

Бугун ҳам ўнлаб телеканалларда турли мавзуда кўрсатувлар тайёрланиб, намоёниш этилмоқда, лекин уларнинг акс-садоси унчалик сезилмаяпти. Бизнингча, элимиз эътиборини қозонган, шоир ва адиблар, санъаткорлар, олимлар ва диний уламолар, журналистларнинг чиқишларини кўпроқ ташкил этиш лозимга ўхшайди. Ана шунда миллатимизнинг тараққий топишига тушов бўлаётган дабдабали тўй ва маросимлар, маъракаларни кимўзарга ўтказиш барҳам топар ва халкимиз маърифатли ва маънавиятли авлодларимизнинг камол топишига эришган бўларди.

Ўролбой ҚОБИЛ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси